

пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, берган ваъдасини бажармасдан, пулларни ўз шахсий эҳтиёжига ишлатиб юборган.

(Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан олинган маълумотга кўра 10.01.2022 йил куни 1 АҚШ доллари 10836 сўм 21 тийинга тенглиги, шунга кўра 25.000 АҚШ доллари 270.905.250 сўмга тенглиги аниқланган).

Жабрланувчи М.Ш апелляция шикоятда, О.Хга озодликдан маҳрум қилиш билан жазо тайинлаб, унга нисбатан етказилган 25.000 АҚШ доллари миқдоридаги моддий зарарни ундириб беришни сўраган.

Апелляция инстанцияси иш бўйича судья О.Қличевнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори С.Акиловнинг апелляция шикоятини рад қилиш ҳақидаги хулосасини, жабрланувчи М.Ш ва унинг ҳимоячиси адвокат М.Зиямитдиновларнинг апелляция шикоятини қаноатлантиришни сўраб берган фикрини, судланувчи О.Х ва унинг ҳимоячиси адвокат Б.Файзиевларнинг апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни сўраб берган фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, биринчи босқич суди ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Апелляция инстанциясида жабрланувчи М.Ш, ўзининг кўрсатувида, ҳозирда унга нисбатан етказилган зарар умуман қопланмаганлигини билдириб, О.Хдан унга нисбатан етказилган зарарларни ундириб беришни сўради.

Апелляция инстанциясида судланган О.Х ўзининг кўрсатувида, жабрланувчи М.Шга нисбатан етказилган жами 25.000 АҚШ доллари миқдоридаги зарарлардан 1.500 АҚШ долларини қоплаб берган бўлиб, қолган қисмини қопламаганлигини билдирди.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишини судда кўришда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22, 26-моддалари талабларига тўлиқ риоя қилинган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибда баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Судланган О.Хнинг жиноят содир этишдаги айби, жабрланувчи М.Шнинг аризаси (и.в. 6-9), шахсни фотосуратлардан таниб олиш тергов ҳаракати баённомаси (и.в.23-24), О.Х ва М.Шлар ўртасида ўтказилган юзлаштириш тергов ҳаракатининг баённомаси (и.в.53-63), М.Шнинг аризаси (и.в.71) ҳамда жиноят иши ҳужжатларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар мажмуи билан ўз исботини тўлиқ топган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланган О.Хнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилган.

Жабрланувчи М.Шнинг апелляция шикоятдаги, О.Хга озодликдан маҳрум қилиш билан жазо тайинлаб, унга нисбатан етказилган 25.000 АҚШ доллари миқдоридаги моддий зарарни ундириб бериш ҳақидаги важларини муҳокама қилиб;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги”



17-сонли Қарорининг 30-бандида, жабрланувчи суд мажлисида ўзига етказилган моддий зарарлар амалда қопланганлигини билдириб, ихтиёрий ёзма ариза тақдим қилганлиги натижасида моддий зарарлар қопланганлиги эътироф қилинган суднинг ҳукми (ажрими), кейинчалик жабрланувчининг ушбу зарар қопланмаганлиги ҳақидаги важи асосида юқори инстанция судлари томонидан суд ҳукми (ажрими)нинг бекор қилинишига ёки ўзгартирилишига сабаб бўлмайди деб кўрсатилган.

Жиноят иши хужжатларига кўра, жабрланувчи М.Ш дастлабки тергов жараёнида, унга нисбатан етказилган зарар О.Х томонидан тўлиқ қоплаб берилганлигини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, ариза тақдим қилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмига кўра, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди деб кўрсатилган.

Бундан ташқари, ушбу суд ҳукми 2022 йил 27 сентябрда қабул қилинган бўлиб, орадан бир йилдан ортиқ вақт ўтган.

Юқоридаги қонун талабидан келиб чиқиб, апелляция инстанцияси жабрланувчи М.Шни важларини тўлиқ рад этган ҳолда суд ҳукмини ўзгаришсиз, жабрланувчи М.Ш томонидан келтирилган апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁷, 497²⁵, 497²⁶, 497²⁷, 497³¹, 497³⁶-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 2022 йил 27 сентябрдаги [REDACTED]

[REDACTED] нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497³⁶-моддаси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья:

/имзо/

Ф.ТураХ

Ҳайъат судьялари:

/имзо/

О.Мухаммадиев

/имзо/

О.Қличев

Аслига тўғри

